# Инсон одоби азиз

Бу гулшан аро йўқдир.
бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур
қолса яхшилик билан от.
Алишер НАВОИЙ.

Ҳаёт гултожи — инсон, унинг қадр-қиммати, гўзал фазилатлари, куч-қуввати ва меҳр-муҳаббатини таърифлашга сўз, баҳолашга хазиналар қиёси етишмайди. Шунинг учун ҳам улуғ рус ёзувчиси Максим Горький: «Инсон — мўъжиза, дунёда ягона мўъжизадир... Инсон! Шу бир калима сўз билан кўксимда қуёш туғилгандай бўлади, унинг ёрқин нурида заҳматкаш, гўзал Инсон олға ва юксакликка қараб салобат билан юриб кетаётгандек!», деб таъкидлаган эди.

Инсон ақл-заковати ва эзгу меҳнати билан доим юксакликка кўтарила бориб, ҳаёт гўзаллигига яна ҳам сайқал беради ва ўз номини яна ҳам шарафларга буркайди. Инсоний фазилатлар ичида ахлоқ-одоб алоҳида хислат бўлиб, бу — киши олами гўзаллигини намоён этиб туради. «Тошкент оқшоми» газетаси ташкил этилган дастлабки кунлариданоқ мана шу актуал мавзу— маънавий ахлоқ-одоб масалалари «Оила даврасида суҳбатлар» сарлавҳаси остида атрофлича ёритилиб келинди. Ҳозирги кун талаби бу мавзуни янада кенг ёритишни талаб қилмоқда. Жонажон Коммунистик партиямизнинг халқ фаровонлигини ошириш, она-Ватанимиз кучқудратини мустаҳкамлаш учун ҳаётнинг ҳар бир жабҳасида янгиланиш, қайта қуриш ва фан-техника тараққиётини жадаллаштириш бўйича кўраётган жуда катта чора-тадбирлари кишиларимизни жўшқин ҳаётга, қизғин меҳнатга ва совет турмуш тарзини яна ҳам гўзаллаштиришга илҳомлантирмоқда. Ана шу долзарб мақсадлардан келиб чиқиб, газетамиз саҳифасида «Инсон одоби азиз» сарлавҳаси остида туркум материаллар бериб боришни режалаштирдик. Сиз унда совет кишиларининг кўпқиррали фаолиятлари ҳақида, оила, турмуш, ўзаро муносабат, дўстлик, ҳурмат-иззат, ахлоқ-одоб ва бошқа инсоний фазилатлар тўғрисида мақолалар билан танишиб борасиз.

Азиз оқшомхонлар! Ҳар бир мавзу бўйича ёритиладиган мақолаларнинг сермазмун ва қизиқарли бўлишида сизларнинг бизга йўллайдиган хат-хабарларингизнинг аҳамияти каттадир. Ахлоқ-одоб, оила ва одамийлик мавзуларидаги фикр-мулоҳазаларингизни, дил мактубларингизни кутамиз.

## Бола дунёси гўзал

### Психолог ўйлари

Бола дунёга беғубор келади, унинг ўсиб-улғайиши она бағридан, оиладаги катта-кичикларнинг таъсиридан ва ташқи муҳитдан бошланади, яъни бола туғилганда унда ижтимоий бурч ҳисси бўлмайди. Бу мураккаб ҳис асосан болаларнинг мактабгача тарбия ёшидаги давридан эътиборан жуда содда тарзда таркиб топиб боради.

Халқимизнинг: «Қуш уясида кўрганини қилади», деган ҳикмати бежиз айтилмаган. Бола дунёга келиб, аста-секин улғаяр экан, биринчи навбатда оила шарт-шароитлари таъсирида бўлади, одамлар қуршовида руҳий озиқ ола боради, катта одамлар билан ҳар турли муносабатларга киришади, катталарнинг ўргатишларига қараб ўз талаб-эҳтиёжларини қондирадиган, воқеа-ҳодисалар ва нарсалар билан муайян муносабатда бўла бошлайди. Бир ҳикоятда айтилганидек, бир ота-она фарзандини қачондан ва қандай тарбиялаш ҳақида донишмаддан сўрашганда, у боланинг қачон туғилганини сўрайди. Ота-она: «Ўғлимиз энди олти ойлик бўлди», дейишади. Донишмнд уларга:

— Эҳ, аттанг, фарзандингизга тарбия беришга олти ой кечикибсизлар, одам боласи туғилганданоқ тарбияга муҳтож бўлади, — дейди.

Ҳикоятдан чиқадиган ҳисса шуки, боланинг туғилган биринчи кунидаоқ кечикмай тарбиясига киришиш керак экан.

Дарҳақиқат, ўз табиатига кура бола ҳамма вақт қизғин ҳаракатда — фаолиятда бўлади. Унинг турли ўйинлар билан машғул бўлишидан тортиб, ўзлаштираётган ҳар бир янги сўзигача диққат-эътибор бериш, унда воқеа-ҳодисаларга ва нарсаларга муносабатда бурч ҳиссини аста-секин таркиб топтириб бориш керак.

Боғча ёшидаги болаларда бурч ҳиссининг таркиб топишида объектив шароитлар билан бирга, субъектив шароитлар ҳам бўлиши лозим. Субьектив шароит боғча ёшидаги болаларнинг ўз вазифалари, боғчадаги ва оиладаги машғулотларга бўлган муносабатларидан иборатдир. Маълумки, бундай машғлотларга ҳамма болалар ҳам бирдай муносабатда бўлавермайдилар. Шунинг натижасида дастлабки даврдан бошлаб болалардаги бурч ҳисси ва унинг ривожланишида индивидуал фарқ майдонга келади.

Боғча ёшидаги катта болалар айрим ҳолларда иродавий зўр берадилар, буни улар зарурат деб ҳисоблайдилар. Сюжетли ўйин ёки биронта дидактик машғулот давомида, болалар ана шундай иродавий зўр беришдан сўнг, маълум ютуқларга эришиб, ёқимли ҳисни кўнгилларидан кечирадилар. Кўпинча улар ана шундай ёқимли ҳисларга эришишга ҳаракат қиладилар. Аммо боғча ёшидаги катта болалар фақат ёқимли ҳисларни кўнгилдан кечириш нуқтаи назаридан эмас, балки онгли равишда, тўла тушунган ҳолда у ёки бу ҳаракатни бажаришга ҳам интиладилар.

Маълумки, айрим болалар оилада тарбияланади. Бундай болаларда ҳам бурч ҳисси, гарчи боғчадагидек бўлмасада, таркиб топа бошлайди. Бу жиҳатдан ўзбек оиласи ўзига хос хусусиятга эга. Оилага хос анъанага кўра, ҳар бир боланинг оилада ўз вазифаси бўлади. У ўз вазифасини бажариши шарт.

Оиладаги вазифалар болаларнинг ёши ва кучларига қараб тақсимланади. Масалан, нонушта ва овқатланишга тайёрланиш ишлари ва овқатдан сўнг дастурхонни йиғиштириш, эрта ва кечқурун ҳовлига сув сепиб, супуриш ишлари, яқин атрофдаги магазинлардан оила учун зарур бўлган маҳсулотларни харид қилиб келиш, уй ҳайвонларини парвариш қилиш ишлари, кичик болаларга қарашда оналарига ёрдам бериш каби ишлар турли ёшдаги болаларнинг бажарадиган вазифалари ҳисобланади. Ана шу вазифаларга бўлган муносабатда ва бу ишларни бажариш давомида болаларда бурч ҳисси таркиб топа боради.

Мактабгача тарбия муассасаларида ва оилада болалар билан турли дидактик машғулотлар ўтказиш ва уларни меҳнатга жалб этиш орқали меҳнатга, мактабга, мактабдаги ўқиш фаолиятига секин-аста тайёрлаб борилади. Мактабдаги ўқиш эса болаларнинг англашган бурч ҳиссига эга бўлишини талаб этади. Боланинг ўқишга қадам қўйиши унинг ижтимоий ва маънавий ҳаётида юз берадиган жуда катта ўзгаришларга сабаб бўлади. Оилада катталар, мактабда ўқитувчилар ўқишнинг дастлабки кунларидан бошлабоқ болаларга нисбатан талабчан бўладилар. Улар хоҳ мактабда ва хоҳ оилада бўлсин боладан режимга қатъий риоя қилишни, дарсларни ўз пайтида тайёрлашни, мактаб интизомига риоя қилишни, ўқитувчилар ва бошқа катта кишилар билан одобли муносабатда бўлишни ва шу кабиларни талаб қила бошлайдилар. Бу эса болада бурч ҳиссини англашни ошириб боради.

Ҳар бир ота-она ва мактаб ўқитувчиси болада бурч ҳисси масъулиятини яхши таркиб топтирар экан, келгусида унинг учун бу яхши одатга айланади. Бундай етук ёш замонамизнинг муносиб кишиси бўлиб етишишига ҳеч шубҳа йўқ.

**Муҳаббат РАСУЛЕВА,**
**психология фанлари кандидати.**

## Никоҳ — умр савдоси



Оилавий ҳаёт муаммоси, оила аъзолари ўртасидаги муносабат этикаси, фарзанд тарбияси ҳамиша давлат аҳамиятига эга бўлган масаладир.

Шахс ҳаётида муҳим ўрин тутган никоҳ ва оила ҳодисаси икки жинснинг икки вакили ва улардан дунёга келган болалар ўртасидаги тор мазмундаги муносабатлар йиғиндиси бўлмай, инсоният ривожига, жамият фаолиятига таъсир кўрсатадиган воқеликдир.

Никоҳ ва оила ҳодисаларининг жамиятимиз аъзолари руҳига, моддий бойликлар яратиш жараёнига, маданият ва санъатга, ҳуқуқ-тартиботга, турмуш тарзига таъсири каттадир.

Оилавий ҳаёт муаммолари орасида ўзаро муносабат ва ёш авлодни келгуси ҳаётга тайёрлаш, тўғрироғи, бўлажак оила бошқарувчиси сифатида тарбиялаш ҳозирги куннинг долзарб масаласи ҳисобланади. Шу маънода ота-оналар, кенг жамоатчилик зиммасига ёшларни оилавий ҳаётни ўташдек масъулиятли вазифага тайёрлаш: уй тутиш, рўзғор, оила хўжалигини тежаб-тергаб бошқариш, эркак, аёл фазилатларини тарбиялаш, ўзаро муомала-муносабат одобига ўргатиш, она меҳри, ота ғамхўрлиги, фарзанд миннатдорчилиги нималигини уқтириш, ҳаётда унга амал қилиш одатларини тарбиялаш ғоят зарур. Оила бахти, фарзандлар истиқболи учун ота-онадан ҳам қарз, ҳам фарз нарсалар ўғил-қизни оилавий ҳаётнинг ҳамма муаммосига масъулият билан ёндошишга ўргатиш, ўз умр йўлдошини ҳар вақт ҳурмат қиладиган, унга ҳамма вақт таянч, содиқ дўст бўладиган, оила бахти учун курашадиган ва меҳнат қиладиган ёшларни тарбиялашда катта масъулият юклайди. Шунингдек, қайин-бўйинларга муносабат масаласи, қиз-келинлик, йигит-куёвлик вазифасини ўрнига қўя олиши, яъни уларга фарзандлик қилишни уддалай олишлари керак.

Ҳаётий тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, аҳил, бахтли оилалар билан бир қаторда турмуш, рўзғордаги айрим-арзимас машмашалар сабабли «сен-менга», ҳатто ажралишгача борадиган, судма-суд жанжаллашиб юрадиган ёш оилалар ҳам топилиб туриши сир эмас. Ҳатто олий маълумот ёки олимлиги ҳақидаги дипломларини рўкач қилиши, қайнона, қайноталарини беҳурмат қилувчи, ўз билимларига, ҳусни-жамоли қадрига ортиқча баҳо берувчи, йигит-куёвлик, қиз-келинлик ҳурматини жойига қўя олмайдиган ёшлар ҳам йўқ эмас.

Кўп йиллик кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, айрим ёшларнинг оилавий ҳаётга маънавий тайёр эмасликлари, уларда ҳис-туйғуларнинг етуклиги, пишиқлиги, оилага жиддий масъулият ҳисси етишмаслиги маълум бўлмоқда. Шунингдек, улар оиласи, фарзандлари олдидаги, қолаверса, жамият олдидаги қонуний бурчларини яхши англамайдилар. Бундай ёшлар аксари оила бюджетини планлаштириш, унга амал қилиш, уй юмушларини оила аъзолари ўртасида тўғри тақсимлаш, ота-оналар фикри билан ҳисоблашиш кабиларни билмайдилар. Бу, ўз навбатида, ўқувчи, студент ёшларни, ўсмирларни олдиндан бўлажак оилавий ҳаётга моддий ва маънавий жиҳатдан тайёрлаш зарурлигини туғдирмоқда.

Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда уларни — оила-турмуш муносабатларининг бутун системаси — оилада соғлом психологик муҳит ярата олиш, келин-куёвнинг бир-бирини тушунишга ҳаракат қилиши, иззат-икром билан бир-бирининг қалбига кириб бориши, майда-чуйда гапларни четлаб ўтиши, мурсоаю-мадорани билиши, уй тутиш, рўзғор тебратиш, поклик, зеболик, ҳаё-андиша, қайнота-қайнонани сийлаши, қайин-бўйинларни туққан-туғишганларидек кўриши, фарзандни қобил қилиб тарбиялай олиши кабилар билан мунтазам таништириб бориш, ўргатиш ҳаёт тақозоси эканлиги ҳаммага аёндир.

Никоҳга киришда янглишмаслик — мустаҳкам оила пойдеворини яратади. Аҳил-тотув яшаш, ҳалол меҳнат ва муҳаббатга асосланган оила жамиятга муносиб авлод — ахлоқан пок, коммунизм ишига садоқатли инсонни тарбиялаб етказади.

Шуниси диққатга сазоворки, ҳозирда ёшларни оилавий турмушга тайёрлаш мақсадида ўрта таълим мактаби, техникум ва бир қатор олий ўқув юртларида «Оилавий муносабатлар этикаси ва психологияси» курси ўқитила бошланди.

Ҳозирги кунда ўзбек тилида, халқимизнинг ўзига хос миллий анъаналари — ота-боболар, онахонлардан қолган яхши удум, одатларни ўзида акс эттирувчи биронта дарслик, методик қўлланманинг йўқлиги, бу борада катта ҳаёт йўлини босиб ўтган табаррук отахон, онахонларнинг бу соҳадаги ҳаёт тажрибаларини матбуотда, радио ва телевидениеда ёритиб, кенг тарғиб қилиб борилса айни муддао бўлади. Ақл — ақлдан қувват олади, деганларидек кўпчилик фикри, ҳаётий тажрибалар ва йўл-йўриқ тарзидаги яхши маслаҳатлар ёшларни мустаҳкам оила қуришда йўлчи юлдуз бўлишига ҳеч шубҳа йўқ.

**Ойшахон ТЎРАЕВА,**
**Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг доценти.**

## Бўлмаса

### Бир порахўр тилидан

Бўлмас эдим порахўр
Дилим ифлос бўлмаса,
Текин пулга азалдан
Менда ихлос бўлмаса.
Умид билан қарайман
Қабулимга кирса ким,
Битмас иши, ҳиммати
Кўнглимга мос бўлмаса.
Менга пора узатмай
Иш битиргай қайси зот,
Дерман, агар чўзмаса,
«Упкангни бос, бўлмаса».
Бошлиқ дегай мени ким
Қуролмасам кошона,
Қўш-қўш оғилхонамда
Сигир, новвос бўлмаса.
Миш-миш гаплар таралмиш,
Нохос эмишман ишга,
Турмас эдим постимда
Иш менга хос бўлмаса.
Қўлга тушиб ниҳоят
Қоқилди пўстагим хўб,
Амал яхши ва лекин
Мендек лоҳас бўлмаса.
Дўстлар, айтган сўзимни
Ёлғони йўқ, заррача,
Нусрат ҳажв ёзмасди
Сўзларим рост бўлмаса.

**Нусрат АБДУСАЛОМОВ.**

## Текинхўр йигит

### Ҳажвия

Чойхонага магнитофон қўлтиқлаган олифта йигит кириб, нуроний чолнинг ёнидаги бўш стулга керилиб ўтирди. Қўлидаги тарелка тўла буғи чиқиб турган сомсани стол устига қўйиб, салом-алик қилмай:

— Сомсадан олинг, бобой, — деди.

— Раҳмат.

— Совиб қолмасин. Ичида катта думбаси бор. Сомсани еб олиб, аччиқ-аччиқ чойни ичиб, белни бақувват қилиб юрмайсизми!

— Ўзинг олавер! Биринчидан тишнинг мазаси йўқроқ, иккинчидан, қаттиқ овқат ботмайди. Сомсани кўп олибсанку.

— Эй, бобо-эй. Иштаҳа нақ карнай. Ўнта сомса бўлса ҳам паққос туширворамиз.

— Отанг «катта»роқ ишдами!

— Йўғ-э, отам, беиш. Чайқовчиликни қотирворадилар.

— Онангиз-чи!

— Онам ҳам беиш. Чайқовда устаси фаранглар.

— Ўзинг-чи!

— Мен ҳам беиш.

— Ишласанг бўлмайдими!

— Ишлаб нима қиламан, бобой. Ота-онамнинг даврида-давронида айшимни суриб қолай-да.

— Шунақа дегин.

— Шундоқ бобой.

— Назаримда сени излашяпти-ёв...

— Чепуха... Излашаётгани аниқ. Кўп номаъқул ишлар, жиноятлар қилганман. Мени тутишолмайди. Чап бериб, қуён бўлиб кетаман... Хи-хи-хи...

— Боя искович ити билан икки милиционер ёнида ўспирин билан «магнитафон кўлтиқлаган йигитни кўрмадингизми!» деб чойхонани айланиб кетишди. «Ота-онаси қаерда ишлайди. Қаттиқ текширамиз», дейишди.

— Бундоқ денг, бобой, — деди йигит юраги пўкиллаб. «Қўлга тушмас» йигитнинг ранги оқариб, кўзи олазарак бўлиб тез ўрнидан турди.

— Сомса совимасин, қаёққа бўтам!

— Иштаҳа бўғилиб кетди, қочиб қолай лўкиллаб, — деди йигит бесунақай гавдасини ўнглаб.

— Қаёққа ҳам қочардинг, ана ўзлари ҳам келиб қолишди.

— Оббо, қўлга тушибман-да, — деди текинхўр йигит ва ҳайкалдек ғўдайиб қолди.

Юнус ТОЛИПОВ,
ишчи.

### Келинг, бир кулишайлик

## ХАНДАЛАР

**СОТУВЧИ**

Бир хоним жаҳли чиққан ҳолда дўконга ҳовлиқиб кириб келди.

— Ўғлимга бир килограмм деб берган узумингиз, наҳотки, етти юз грамм чиқса-я. Бу қандай аҳвол, менга тушунтириб беринг.

— Сиз мендан хафа бўлманг хоним, олдин ўғлингизни тортиб кўринг, — деди сотувчи бамайлихотир.

**МЕҲМОН**

Кечаси меҳмонхона эшикларидан бири қаттиқ тақиллади. Тўсатдан уйғониб кетган меҳмон аччиғи чиқиб сўради:

— Ким у, бемаҳалда юрган?

— Меҳмонхона ёнаяпти, — деди соқчи ҳовлиқиб.

— Сиз янглишибсиз, мен ўт ўчирувчи эмасман... — бамайлихотир жавоб берди меҳмон.

**ИККИ ДУГОНА**

Икки дугона учрашиб қолиб, бири иккинчисидан сўради:

— Янги уйда қандай яшаяпсан, дугонажон?

— Яхши. Авваллари у ерда ўзимни худди бегонадай ҳис қилардим. Энди бўлса, ҳамма қўшниларим билан уришиб чиққанман...

**САЁҲАТЧИ ЙЎЛОВЧИ**

— Илтимос, мен биронта сўзни англаётганим йўқ, гаплашмасдан ўтиринглар.

— Мен хотиним билан гаплашаётирман. Бизнинг гапимизнинг сизга нима дахли бор?

**ХИЗМАТ**

Саёҳатчи меҳмонхона ходимига деди:

— Илтимос, мени эрталаб соат бешда уйғотинг.

— Бажону-дил, жаноб. У ҳолда менга соат тўрт яримда қўнғироқ қилсангиз бас.

**ЖУДА СОЗ**

— Машина ҳайдашни биласизми?

— Йўқ, афсуски, билмайман.

— Ундай бўлса, жуда соз. Бир соатга машинамга қараб туринг.

**ШОФЕР**

Бир киши йўловчилар билан тўлиб-тошган автобуснинг орқасидан чопиб борар эди.

— Тўхта, — қичқирди бир йўловчи кулимсираб, — сен унга ета олмайсан.

— Уни фақат мен тўхтата оламан-да, ахир мен унинг шофёриман-ку, — деди югуриб кетаётган киши.

Французчадан
**Сайдиғани МУСАЕВ таржимаси.**

### СССРда Ҳиндистон фестивали

## Сени кутяпмиз, Утсав!

«Баҳор» концерт зали биносида «СССР-Ҳиндистон фестивалининг Тошкентдаги дирекцияси» деган янги ёзув пайдо бўлди. Бу ерда Ўзбекистон пойтахтида ҳинд миллий байрами — Утсавга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни мувофиқлаштирувчи марказ жойлашди. Барабан ва сурнайлар Ўзбекистон диёрида биринчи карнавал, театрлаштирилган байрам бошланганлигидан дарак берадиган кунга бир ойдан камроқ вақт қолди. Тантаналар уч кун 4—5—6 сентябрь кунлари ўтказилади ва дўст мамлакатнинг миллий санъатидан баҳраманд этади.

Ҳозирча қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Бу ишга ўнлаб муассасалар жалб этилган. Тошкент фестивалининг директори Г. М. Рошковнинг кабинетида бўлгач, бунга ишонч ҳосил қилдик. Тинимсиз телефон қўнғироқлари бўлиб, турли ташкилотлар ва муассасаларнинг вакиллари ишларнинг бориши тўғрисида ахборот берадилар, ишнинг айрим жиҳатлари аниқлаб олинади. Орадаги бир оз вақтдан фойдаланиб, Герман Маҳмудовичдан бир қанча саволга жавоб қайтаришини сўрадик.

—Сиз Москва ва Ленинградда ўтказилган ҳинд миллий байрами тантаналарида қатнашиш шарафига муяссар бўлдингиз. Тошкентда ўтказиладиган байрамнинг ўзига хос хусусияти қандай бўлади?

— Шуни айтиш керакки, ҳиндлар байрамларни жуда севишади. Улар ўз мамлакатида ҳар хил тантаналар, қишлоқ ярмаркалари ўтказишади ва бу тантаналарда минглаб кишилар қатнашади. Улар бу воқеаларга шунчаки томошабин сифатида эмас, балки уларнинг бевосита қатнашчилари сифатида жалб этиладилар. Бундай байрамлар, албатта, қўшиқ ва рақсларсиз, зиёфат ва совғаларсиз ўтмайди. Ватанимиз пойтахтида ва Нева дарёси соҳилидаги шаҳарда ҳам худди мана шундай бетакрор муҳит вужудга келтирилди.

Герман Маҳмудович Утсав тантаналари тасвирланган рангли фотосуратларни олиб кўрсатади ва сўзини давом эттиради:

— Биласизларки, фестиваль Москвада В. И. Ленин номли майдонда ўтказилди. У ерда рақслар, қўшиқлар, кинофильмлардан парчалар кўрсатилиб, байрам мушакбозликлари бўлди. Утсав Москвадан кейин Ленинград шаҳрида, сўнгра Петропавловск қалъасида давом этди. Қалъа ичкаридан ҳам, ташқаридан ҳам ҳинд байрамлари ўтказиладиган қиёфада безатилди. Республикамизда В. И. Ленин номли майдон Ҳиндистон фестивали ўтказиладиган жой қилиб танланди. Бу ерда фольклор коллективларининг томошаларидан ташқари бешта ҳар хил томоша кўрсатилади. Унда рангли музикалар ва мушакбозликлар билан бирга рақс программаси намойиш қилинади. Шаҳримизда ана шу байрам учун махсус музика ёзилди ва шу музика оҳангларига мос равишда фонтан сувлари хилма-хил рангда жилоланади. Бир сўз билан айтганда, бизда ҳеч қачон бўлмаган мислсиз томошалар кутилмоқда. Тошкент аҳолиси ва меҳмонлари Ҳиндистон барча районларининг бой ва ранг-баранг ижрочилик санъати билан таниша оладилар.

— Тантаналарнинг бош дизайнер-рассоми ва фестиваль ташкилий-саҳналаштириш группасининг директори Дашрат Патель яқинда Тошкентда бўлганлигини биламиз. Байрамни қандай ўтказиш, унинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида келишиб олинган бўлса керак?

— Шундай, Ҳиндистон томонининг вакили Утсав ўтказиладиган жой билан олдиндан танишди ва ўз фикрларини айтди. Шуни айтмоқчиманки, Дашрат Патель жуда ғайратли, фантазияга бой санъаткордир. Шунинг учун ҳам у Тошкентда байрам сценарийлари олдиндан белгилаб қўйилган бўлсада, тантаналарни янада ранг-баранг ва таъсирчан қилиш учун кишини қойил қолдирадиган янги ғояларни таклиф этди.

Герман Маҳмудович В. И. Ленин номли майдонда байрамни ўтказиш ва безатиш планини бизга кўрсатади.

Ёдгорлик буюмлари, зебизийнатлар, халқ усталари ясаган буюмлар сотиладиган, шарбатлар, ширинликлар сотиладиган дўконлар қизил ранг билан белгилаб қўйилган. 45 та шундай дўкон ташкил этилади. Томошабинларни меҳмонлар Ҳиндистон турли регионларининг санъати билан таништирадиган саҳна майдончалари квадратлар билан кўк рангда белгиланган. Майдон билан ёнма-ён Навоий кўчасидан Ўзбекистон кўчасигача ранг-баранг чодирли умумий овқатланиш жойлари ташкил этилади.

— Шунча кўп бўладими?

— Албатта, ахир ҳар бир томошада бизнингча ўттиз беш—қирқ минг томошабин қатнашади. Шундай томошалардан беш марта кўрсатилади.

Телефон қўнғироғи бўлиб, Тошкентга Ленинграддан металл конструкциялар ортилган 53 та платформа келганлигини хабар қилишди. Яқин кунларда деярли 200 та вагонга ортилган бошқа юклар ҳам келтирилиши кутилмоқда. Герман Маҳмудович темир йўл билан боғланиб, юкларни жадал тушириб олишни илтимос қилади, ГАИ бошқармасига қўнғироқ қилиб, юк ортилган транспортга Ленин майдонигача ҳамроҳлик қилиб келишни сўрайди. «Ташгорсвет» вакиллари қайси нуқтани қандай ёритиш кераклигини, қаерга қўшимча кабеллар тортиш кераклигини сўраб, мурожаат қиладилар. Умумий овқатланиш ходимлари таомлар хилини аниқлайдилар, чунки меҳмонлар орасида Ҳиндистоннинг турли штатларидан келган вакиллар бор. Маълумки, мамлакатнинг шимоли ва жануби, ғарби ва шарқида тайёрланадиган таомлар бир-биридан анча фарқ қилади. Ҳар бир районда ана шу жойнинг ўзига хос бўлган ошпазлик дурдоналари бор.

— Демак, ҳиндистонлик барча меҳмонлар дидининг хилма-хиллиги ҳисобга олинади. Уларни қандай таомлар билан сийлаймиз?

—Хилма-хил таомлар билан ҳаммаларининг кўнгилларини овлашга ҳаракат қиламиз, — деб жилмаяди Г. Рошков.— Ошпазларимиз ҳозирнинг ўзидаёқ ҳинд ошпазлигининг ўзига хос хусусиятлари билан танишдилар. Хилма-хил ҳинд таомлари дастурхонга тортилади.

Суҳбатимизни майдонда давом эттирдик. Парадлар ва намойишлар ўтказиладиган жойда ҳавозалар қад кўтарган. Минбарларда, метро станциясига тушабериш-даги зиналарда ўрнатилган улкан шчитларда «Фестиваль иншоотлари қурилмоқда» деган сўзлар ёзиб қўйилган. Ҳозирдаёқ барча ўн битта саҳна майдончаси монтаж қилина бошланди, панжарали дўконлар устига енгил шиферлар қопланмоқда.

— Бу ерда 16 метрдан йигирма метргача баландликдаги турли конструкциялар қад кўтармоқда—дейди Герман Маҳмудович, —анъанавий ҳинд меъморчилиги услубларини акс эттирувчи арклар, дарвозалар, колонналар ҳинд меҳмонавозлигининг рамзи бўлади. Улар газлама, бамбук шохлари, қамиш ва қоғоз билан безатилади. Бир сўз билан айтганда, ҳинд байрами тобора яқинлашиб келмоқда.

— Герман Маҳмудович, сўнгги саволимизга жавоб берсангиз:

— Утсав байрамини томоша қилишни истаганлар у ерга қандай киришлари мумкин?

— Шаҳар кассаларида томошаларга билетлар сотиш йўлга қўйилади. Томошалар салкам 200 минг томошабинга мўлжалланган. Яна шуни айтишни истардимки, яқин кунларда шаҳримизда бошланадиган Ҳиндистон фестивали шунчаки зўр томоша бўлиб қолмай, у Ҳиндистон ва Советлар мамлакати халқлари ўртасида дўстлик, ҳамкорлик, ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшиши керак.

**Э. ТУХВАТУЛЛИНА.**
**ЎзТАГ мухбири.**



Ҳиндистон бадиий фильмлар ишлаб чиқариш бўйича жаҳон кинематографиясида салмоқли ўринни эгаллайди. Ҳар йили мамлакатда 700 та фильм суратга олинади. Бу фильмларда Ҳиндистондаги турли хил муаммолар кўтарилади.
СУРАТДА: Мадрас шаҳри кўчаларидаги киноафиша.
КАМЕРА ПРЕСС—ТАСС фотоси.

